

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

СОХИБОВА ЗИЁДА РАХМОНОВНА

ФЕРТИЛ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА МИС ВА РУХ ТАНҚИСЛИГИНИНГ
КЛИНИК-ЛАБОРАТОР АСПЕКТЛАРИ

14.00.29 – Гематология ва трансфузиология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of dissertation for the Doctor of Philosophy (PhD)

Сохибова Зиёда Рахмоновна

Фертил ёшдаги аёлларда мис ва рух танкислигининг клиник- лаборатор
аспектлари.....3

Сохибова Зиёда Рахмоновна

Клинико- лабораторные аспекты дефицита цинка и меди у женщин
фертильного возраста.....21

Sokhibova Ziyoda Rakhmonovna

Clinical and laboratory aspects of zinc and copper deficiency
in women of childbearing age.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works43

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

СОХИБОВА ЗИЁДА РАХМОНОВНА

ФЕРТИЛ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА МИС ВА РУХ ТАНКИСЛИГИНИНГ
КЛИНИК-ЛАБОРАТОР АСПЕКТЛАРИ

14.00.29 – Гематология ва трансфузиология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Tib.1582 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Болтаев Камол Жумаевич
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Расмий оппонентлар:

Жарилқасимова Гаухар Жапузаковна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Маматов Сағинали Мурзаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «14» *апрел* соат *14.30* даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Навоий шоҳкўчаси, 1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhme@mail.ru).


Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (*046* рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.


Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____ кун тарқатилди.

(2023 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).




Д.Т. Ходжиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор


Н.Ш. Ахмедова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий қоғиби тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент


Г.А. Ихтиярова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қоғидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати. Замонавий тиббиётнинг ривожланиш босқичларида исботланган ҳолатлардан бири бу организмда кузатиладиган турли хил патологик ҳолатлар негизида унинг фаолияти учун зарур бўлган макро- ва микроэлементлар танқислигидир. Маълумки инсон организмда 81 турдаги макро ва микроэлементлар мавжуд бўлиб, улар инсон танаси учун муҳим функционал аҳамиятга эга. Улар орасида ҳаётий муҳим бўлган бир қатор микроэлементлар мавжудки, организмдаги барча жараёнлар айнан шу микроэлементлар иштирокига боғлиқ. Рух ва мис микроэлементи мана шу гуруҳга кирувчи эссенциал микроэлементлардан саналади. Аммо бу микроэлементлар танқислиги турли орган ва тўқималарда патологик жараёнларни келтириб чиқариши инобатга олинмайди, уларга бир томонлама, гемопозтик микроэлемент нуқтаи назаридан қаралади. Инсон организмда микроэлементлар алмашилиш жараёнини ўрганиш саломатликни баҳолашдаги муҳим масалалар ечимига қаратилган, чунки ҳаётий муҳим элементларнинг етишмаслиги фертил ёшдаги организмнинг адаптацион ва компенсатор имкониятлари чегараланишининг ортиб боришига, турли патологик ҳолатлар, касалликлар ривожланишига сабаб бўлади.

Жаҳон миқёсида олиб борилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, гематологлар ва бошқа мутахассис олимлар томонидан темир танқислик ҳолатини ўрганишга қаратилган илмий изланишларнинг деярли кўп қисмида, яъни темир танқислигининг тарқалиши, ташҳисот ва даволаш муаммоларини ўрганишда темир танқислиги монодефицит нуқтаи назаридан ўрганилган, лекин айни дамда илмий қарашлар шуни кўрсатадики, гемопоз, аниқроғи гемоглобин ҳосил бўлиши кўп босқичли кўп омилли жараён бўлиб, унда бир қатор микроэлементлар ҳам иштирок этади¹. Бундай гемопозтик микроэлементларга мис ва рух кириб, улар ўз навбатида темир элементи синергисти кўринишида гемоглобин синтезида тўғридан тўғри иштирок этади ва улар танқислигида ҳам гемоглобин синтези бузилади. Шунингдек рух ва мис организмда яна кўплаб ҳаётий жараёнларга иштирок этиб, танқислик ҳолатларида уларнинг бузилиши билан боғлиқ патологик ҳолатлар ва касалликлар ривожланишига олиб келади.

Республикамызда, бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш ҳамда унинг турли минтақаларида юқумли бўлмаган сурункали касалликлар билан касалланишни камайтиришга қаратилган «... мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, патронаж хизматининг самарали моделларини яратиш ва тиббий кўрикдан ўтказиш, соғлом турмуш

¹ Намазбаева З.И., Сабилов Ж.Б., Даркешева А.М., Бержанова Р.С., Почевалов А.М. Микроэлементный статус населения Приаралья//Медицина труда и экология человека, 2017, №3. стр 37-42

тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш...»² каби қатор вазифалар белгилаб қўйилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, репродуктив ёшдаги аёлларда турли асоратларни юзага келиш даражасини камайтиришга қаратилган профилактик чора – тадбирларни ишлаб чиқиш, замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш, асосий касаллик кечишини эрта аниқлаш сифатини яхшилаш, беморларнинг яшовчанлиги ва соғайиши, ҳаётий зарур микроэлементлар кўрсаткичларини баҳолаш орқали полидефицитли ҳолатларда юзага келиши мумкин бўлган касалликлар истиқболини белгилаш натижасида ногиронлик даражасини камайишига имкон беради.

Энг муҳим гематопозтик омилларнинг гомеостази, яъни кўпайиш даврида темир, мис, рух ва бошқаларни сақлаш муаммоси алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ–4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ–4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда аҳоли орасида нотўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзига риоя қилмаслик, турли сурункали касалликларнинг кўпайиб бораётганлиги кузатилмоқда ва бу ҳолатларнинг барчаси дунё аҳолисида полидефицит (микроэлементоз) ҳолат пандемия шаклига келаётганлигини кўрсатиб, муаммонинг долзарблиги тан олинган. Микроэлементларнинг етишмовчилиги соғлиқни сақлашнинг муҳим муаммоси ҳисобланади, чунки тўйиб овқатланмаслик жисмоний ва ақлий ривожланишга таъсир қилади, жумладан, болаларнинг ушбу кўрсаткичлар бўйича ривожланишдан орқада қолаётгани, турли касалликлар хуружи, иш қобилияти билан имкониятининг чекланишига олиб келади (Коденцова В.М.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

ва ҳаммуал. 2017; Bjørklund G. et al., 2017). Қувватловчи оксиллар билан тўйиб овқатланмасликдан фарқли ўлароқ, микроэлементлар етишмаслигининг саломатлик учун оқибатлари ҳар доим ҳам яққол намоён бўлмайди; шунинг учун уни баъзида «яширин очлик», деб аташади. ЖССТ экспертлари маълумотларига кўра, дунёда 2 млрд. аҳоли микроэлементлар етишмаслигидан азият чекишади (WHO, 2016).

Замонавий илмий маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, гематологлар ва бошқа мутахассис олимлар томонидан микроэлементлар танқислик ҳолатини ўрганишга қаратилган илмий изланишларнинг деярли кўп қисмида, фертил ёшдаги аёлларда (ФЁА) учрайдиган яширин ёхуд яққол намоён бўлган клиник белгилар темир танқислик ҳолати билан боғлиқ, сидеропеник сиптомлар сифатида талқин этилган, лекин айна дамда илмий қарашлар шуни кўрсатадики, гемопоз, аниқроғи гемоглобин ҳосил бўлиши кўп босқичли полифакторли жараён бўлиб, унда бир қатор микроэлементлар ҳам иштирок этади. Бундай гемопозтик микроэлементларга мис ва рух кириб, улар ўз навбатида темир элементи синергисти кўринишида гемоглобин синтезида тўғридан тўғри иштирок этади ва уларнинг танқислигида ҳам гемоглобин синтези бузилади. Аммо кўп ҳолатларда бу микроэлементлар танқислиги баҳоланмайди ва темир препаратлари билан даволанади (Бахрамов С.М. ва бошқ., 2011; Расулов С.К. ва бошқ. 2012).

Шу билан бир қаторда гемопоз, гемоглобин ҳосил бўлиши кўп босқичли, полифакторли жараён бўлиб, унга бошқа нутриентлар тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Нутриентларни, масалан темирга синергист-микроэлементлар: мис, рух кабиларни гемопоздаги аҳамиятини эътиборга олмаслик темир препаратлари билан даволаш жараёнида камқонликни мустаҳкам тусини таъминлаши мумкин.

Истеъмол қилинаётган овқат таркибида турли хил эссенциал микроэлементлар камлиги ёки уларнинг ортиқча бўлиши, шунингдек атроф муҳитнинг (ҳаво, сув, тупроқ) бу микроэлементлар антогонисти бўлган оғир метал тузлари билан ифлосланиши ФЁА саломатлигига таъсир қилиб, уларда гипо- ёки – гипермикроэлементозлар ривожланишига сабаб бўлади. (Расулов С.К. ва бошқ., 2008; Пикуза О.И. ва бошқ., 2012). Охирги йилларда микроэлементозлар ривожланиши муаммосини ўрганишга қаратилган изланишлар, ушбу муаммонинг долзарблиги биогеохимик ҳолат деб аталувчи бир қатор омиллар билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Бу омиллар экологик, антропогеник ва иқлимий географик хусусиятлар билан боғлиқ бўлиб, улар инсон организмга доимий таъсир кўрсатиб туради. (Маймулов В.Г. ва бошқ., 2010; Агаджанян Н.А. ва бошқ., 2010). Бундай биогеохимик факторларнинг фертил ёшдаги аёллар организми микроэлементар статусига таъсири тиббий микроэлементологияда ҳали чуқур ўрганилмаган.

Бу ўз навбатида фертил ёшдаги аёллар орасида мис ва рух танқислиги ҳолатини доимий яшаш жойига хос специфик биогеохимик шароитга боғлиқ ҳолда тарқалишини, клиник-гематологик ва лаборатор ўзига хослигини ўрганиш, эрта аниқлаш, адекват ташхислаш, профилактика чора

тадбирларни ишлаб чиқиш учун эҳтиёж туғилишига олиб келади. Айнан шу нуктаи назардан бу ишда кўтарилган масалалар ҳали чуқур ўрганилмаган бўлиб, ўз ечимини талаб қилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Ушбу диссертация иши Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (22/26.05.2022) «COVID – 19 дан кейинги даврда Бухоро минтақаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2022-2026 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади: Фертил ёшдаги аёллар орасида рух ва мис микроэлементи танқислиги учраш даражаси, уни келтириб чиқарувчи ҳавф омилларини аниқлаш ва олдини олишнинг клиник - лаборатор жиҳатларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фертил ёшдаги аёллар орасида рух ва мис микроэлементлари танқислигини келтириб чиқарувчи ҳавф омилларини ўрганиш;

фертил ёшдаги аёлларда учрайдиган рух ва мис танқислиги ҳолатининг клиник намоён бўлиш шакллари ўрганиш ва баҳолаш;

рух ва мис танқислиги мавжуд бўлган фертил ёшдаги аёлларда гемопозитик лаборатор кўрсаткичларнинг диагностик аҳамиятини баҳолаш;

фертил ёшдаги аёлларда мис ва рух танқислигини эрта аниқлаш ва унинг асоратларини башоратлаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилоятининг Когон шаҳри ва Бухоро туманларида истиқомат қилувчи жами 349 нафар фертил ёшдаги аёллар тадқиқотга жалб қилинган. Қоннинг клиник, биокимёвий, иммунофермент таҳлиллари ўтказилиб, кичик гуруҳларга бўлинган, камқонлик билан кечувчи ва камқонликсиз кечувчи мис ва рух танқислиги, қишлоқ ва шаҳар ҳудудида яшовчи аёлларда, барча кичик гуруҳларда микроэлемент танқислиги клиник ва лаборатор жиҳатлари солиштирма ўрганилган.

Тадқиқотнинг предмети капиляр ва веноз қон, қон плазмаси, нутриент етишмовчилигини аниқлашга мўлжалланган анкета сўровнома.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник-лаборатор, биокимёвий текширувни қўллаш, мис, рух ва темир микроэлементларининг қондаги миқдорини аниқлаш, функционал-диагностик текширувлари, статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

мис ва рух микроэлементлари танқислигининг Бухоро вилояти шаҳар ва қишлоқ ҳудудида яшовчи фертил ёшдаги аёллар орасида учраш частотаси ва клиник намоён бўлиш шакллари аниқланган;

фертил ёшдаги аёлларда кузатиладиган рух ва мис микроэлементи танқислигининг камқонлик ва камқонликсиз кечиш шаклларининг клиник-лаборатор жиҳатлари солиштирма ўрганилиб, бу микроэлементларнинг гемопоз тизими бузилишидаги аҳамияти асосланган;

мис ва рух микроэлементи танқислиги бўлган фертил ёшдаги аёлларда ногематологик синдромлар намоён бўлиши ва уларнинг микроэлементлар танқислик даражаси билан боғлиқлиги изоҳланган;

мис, рух ва темир танқислиги мавжуд бўлган аёлларда уларнинг асоратланишини олдини олиш ва башоратлаш тамойиллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фертил ёшдаги аёлларда рух ва мис микроэлементлари танқислиги мавжудлигини эрта клиник аниқлашга мўлжалланган анкета сўровнома ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган;

рух ва мис микроэлементи танқислигининг фертил ёшдаги аёллар орасида учраш даражаси аниқланиб, бу аёлларда гемопоз ва бошқа аъзолар тизимидаги ўзгаришларни башоратлаш маркёрлари баҳоланган, услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

анамнезида мавжуд ва клиник жиҳатдан намоён бўлган микроэлементлар танқислиги мавжуд бўлган аёлларда рух ва мис миқдорини аниқлаш микроэлементозлар асоратланиши олдини олиши илмий асослаб кўрсатиб берилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва замонавий усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, танланган материалнинг етарли миқдордалиги, умумклиник, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги ва натижаларнинг ишончлилиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фертил ёшдаги аёлларда кечадиган камқонликлар мис, рух ва темир танқислиги билан кечиши хусусиятига эга эканлиги исботланганлиги, уларда хавф омиллари, жинси, ёши ҳамда микроэлементлар кўрсаткичлари орасида мусбат корреляцион боғлиқликлар мавжудлиги исботланганлиги, ушбу ёш тоифасида учрайдиган сурункали касалликлардаги камқонликларда полидефицитли ҳолатни эрта аниқлаш ташҳисот маркёрлари аниқланганлиги, сурункали соматик касалликлари мавжуд аёлларда камқонликлар ташҳисотида организм микроэлементар статусини баҳолаш билан бир пайтда феррокинетика ва яллиғланиш жараёнлари ташҳисот мезонларини аниқлаш муҳимлиги кўрсатиб берилганлиги, темир, мис, рух микроэлементлари танқислиги кўрсаткичларини башоратловчи мезон сифатида тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фертил ёшдаги аёлларда мис ва рух танқислиги ҳолатларини келтириб чиқарувчи ҳавф омилларини аниқлашга мўлжалланган махсус анкета-сўровнома ишлаб чиқилганлиги, улардаги асоратлар олдини олиш ва даволашда гемопозитик эссенциал микроэлементлар миқдорини аниқлаб, сурункали соматик касалликлари бўлган беморлардаги анемияни ташҳислаш ва даволашда микроэлементар статус, феррокинетика ва яллиғланиш жараёни кўрсаткичларини баҳолаш ва ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш орқали даволаш самарадорлигини ошириш имкони борлиги исботланганлиги, полидефицитли ҳолатни эрта аниқлаш ва сурункали соматик касалликлар ривожланишини башоратлаш, олдини олиш тадбирлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Фертил ёшдаги аёлларда мис ва рух танқислиги клиник лаборатор жиҳатларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

фертил ёшдаги аёлларда мис ва рух танқислиги синдромини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Фертил ёшдаги аёлларда полидефицитли ҳолатларни эрта аниқлаш ва олдини олишни мувофиқлаштириш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 22 июндаги 8н-р/707-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияномада фертил ёшдаги аёлларда кузатиладиган полидефицитли ҳолатлар, уларни келтириб чиқарувчи ҳавф омиллари, уни эрта аниқлаш ва олдини олишнинг клиник – лаборатор усулларини мувофиқлаштиришга хизмат қилган;

фертил ёшдаги аёлларда мис ва рух танқислиги синдромини ўрганиш бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилояти Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси амалий фаолиятига, Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси амалий фаолиятига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 24 июндаги 8н-з/331-сон хулосаси) Натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, фертил ёшдаги аёлларда учрайдиган мис ва рух микроэлементлари етишмовчиги билан боғлиқ патологик ҳолатларни клиник-лаборатор усуллар орқали аниқлаш, беморларда касалликларнинг олдини олиш, эрта ташҳислаш ва даволашнинг алгоритминини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар ва амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Микроэлементларнинг инсон организми ва саломатлигидаги аҳамияти**» деб номланган биринчи бобида олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиққан ҳолда адабиётлар шарҳида фертил ёшдаги аёлларда микроэлементлар танқислиги муаммосининг замонавий ҳолати тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот иши материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширув материаллари умумий тавсифи келтирилган, текширув усуллари тўлиқ ёритилган. Илмий тадқиқот ўтказиш учун Бухоро вилоятининг Бухоро тумани ва Когон шаҳрида яшовчи 349 нафар 18-45 ёш оралиғидаги фертил ёшдаги аёллар жалб этилган. Дастлаб аёлларда рух, мис ва темир танқислигининг яширин клиник белгиларини аниқлашга мўлжалланган анкета сўровнома ўтказилган. Кейинги босқичларда қон клиник, биокимёвий таҳлиллари ўтказилган. ИФА усулида зардобдаги рух, мис, темир миқдори аниқланган. Диссертациянинг ушбу бобида барча текшириш усуллари батафсил келтириб ўтилган.

Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик (M), ўртача квадратик оғиш (σ), ўртача кўрсаткич стандарт хатоси (m), нисбий ўлчамларини (частота, %) ҳисоблаш билан вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари қўлланилган, олинган ўлчовларнинг статистик қиймати эксцесс мезони бўйича тақсимотнинг меъёрийлиги ва бош дисперсиялар тенглиги (F – Фишер мезони) ўрганилиб, хато эҳтимолини (P) ҳисоблаш билан Стьюдент (t) мезони бўйича аниқланган. $p < 0,05$ ишончлилик даражаси статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот натижалари. Фертил ёшдаги аёлларда рух ва мис микроэлементлари танқислигининг клиник намоён бўлиши ўзига хос жиҳатлари**» деб номланган учинчи бобида тадқиқотга жалб этилган аёлларда ўтказилган анкета- сўровнома натижалари асосида уларда гемопоестик микроэлементлардан рух, мис ва темир танқислигини келтириб

чиқарувчи хавф омиллари ва уларнинг учраш даражаси аниқланган (1-жадвал).

Жадвалдан кўришиб турибдики фертил ёшдаги аёллар орасида гемопозитик микроэлементлар танқислигига олиб келувчи асосий хавф омиллари бу овқат рационида микроэлементларга бой бўлган маҳсулотларнинг камлиги: кўкатлар $52,7 \pm 2,1\%$, қуруқ мевалар $49,3 \pm 2,4\%$, гиперполименория ва кўп ҳомилдорлик, ҳамда организмдаги сурункали касалликлар $44,5 \pm 2,5\%$ эканлиги аниқланган ($p < 0,01$).

1-жадвал

Фертил ёшдаги аёллар орасида микроэлементлар танқислиги ривожланишига олиб келувчи хавф омилларининг учраш даражаси

Хавф омиллари	Учраш даражаси	
	Мутлоқ	%
Ошқозон ва ичак тизими касалликлари	134	$38,4 \pm 2,6$
Жигарнинг сурункали касалликлари мавжудлиги	89	$25,5 \pm 2,6$
3 тадан кўп ҳомилдорлик	115	$32,9 \pm 2,5$
Кетма-кет ҳомилдорлик	147	$42,1 \pm 2,5$
Гиперполименория	126	$36,1 \pm 2,6$
Овқат рационида кўкатлар камлиги	184	$52,7 \pm 2,1$
Қуритилган мевалар кам истъеомол қилиниши	179	$49,3 \pm 2,4$
Организмда сурункали касалликлар мавжудлиги	156	$44,5 \pm 2,5$
Вазни сақлаш учун парҳезлардан фойдаланиш	102	$29,2 \pm 2,7$

Изох: $p < 0,01$

Тадқиқотнинг кейинги босқичларида ўтказилган лаборатор таҳлиллар асосида тадқиқотга жалб қилинганлар 2 гуруҳга ажратилган, яъни камқонлик билан кечаётган ва камқонликсиз кечаётган микроэлементлар танқислиги ҳолати бўлган гуруҳлар:


1- гуруҳ микроэлементлар танқислиги камқонлик билан кечиши, $n=116$

2- гуруҳ микроэлементлар танқислиги камқонликсиз намоён бўлган, $n=233$

Анемия ва анемиясиз кечаётган полидефицитли ҳолатлардаги аёлларда рух, мис ва темир миқдори орасидаги солиштирма боғлиқлик ўрганилган ва таҳлил қилинган (1- расм).

Кўрсаткичлар таҳлили шуни кўрсатдики, анемия фонида кечаётган микроэлементлар танқислигида деярли барча кўрсаткичлар меъерий

миқдордан анча паст, анемиясиз кечаётган танқисликда, гарчи гемоглобин миқдори меъёрда бўлсада, микроэлементлар кўрсаткичлари меъёрнинг пастки чегаралари миқдорида эканлиги аниқланган.



1-расм. Фертил ёшдаги аёлларда анемия фониди ва анемиясиз кечаётган микроэлементлар кўрсаткичларининг солиштирма таҳлили (нг/мл)

Камқонлик аниқланган фертил ёшдаги аёлларда анемиянинг этиопатогенетик шаклини аниқлаш мақсадида тадқиқотга жалб этилганларда микроэлементларнинг аниқланган кўрсаткичларининг қон периферик таҳлили кўрсаткичлари билан солиштирма таҳлили ўтказилган. Ўрганилаётган микроэлементларнинг гемопозитик ва иммун-яллиғланиш жараёнларида иштирок этувчи эссенциал микроэлементлар эканлигини инобатга олиб, қон таҳлилидаги гемоглобин, эритроцит ва унинг сифатий кўрсаткичлари, лейкоцитлар миқдори, тромбоцитлар миқдори, ЭЧТ кўрсаткичлари солиштирма таҳлил қилиниб улар орасидаги боғлиқликлар ўрганилган (2-жадвал).

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, камқонлик ҳар учала микроэлемент танқислиги бирга учраган пайтда энг кўп кузатилган (44,8%). Аммо гемоглобиннинг ўртача миқдори солиштириб кўрилганда энг паст кўрсаткич темир ва рух танқислиги бирга учраган гуруҳда аниқланган (98,6 г/л).

Периферик қондаги эритроцитлар миқдори ва унинг сифатий кўрсаткичлари солиштирма таҳлили натижалари шуни кўрсатдики, эритроцитлар миқдорининг ўртача кўрсаткичи энг кам бўлган ҳолат темир+рух полидефицитида, ўртача миқдорнинг энг юқори кўрсаткичи эса рух

элементи монодефицитида кузатилган. Мос ҳолда $3,4 (3.6- 3.9) \times 10^{12}/л$ ва $4.1 (3.8 - 4.4) \times 10^{12} /л$. Эритроцитлар ўртача ҳажмининг (MCV) солиштирма таҳлилида эса микроцитоз темир+рух+мис ва темир +рух полидефицити аниқланган гуруҳларда кузатилган (мос ҳолда 72.4 ва 76.1 fl)

2-жадвал

Анемия фониди кечаётган микроэлементлар танқислиги кўрсаткичлари ва периферик қон кўрсаткичлари орасидаги солиштирма таҳлил натижалари

Клиник белгилар	Fe+Cu+Zn	Fe+Cu	Fe+Zn	Zn	Cu+Zn	p<
	52	19	23	4	18	
Гемоглобин (г/л)	102,9 [84,2-114,6]	109 [87,6-111,6]	98,6 [81,7-104,1]	118 [100,3-118,7]	113,4 [90,7-117,1]	0,01
Эритроцит $10 \times 12/л$	3,8 [3,6-3,9]	3,7 [3,6-3,8]	3,4 [3,2-3,6]	4,1 [3,8-4,4]	4,0 [3,5-3,2]	0,05
MCV (fl) 80-110	72,4 [59,4-88,7]	81,6 [74,1-94,0]	76,1 [62,3-79,4]	89,6 [78,6-94,6]	80,5 [77,6-86,9]	0,05
MCH 27-31	22,4 [18,6-25,3]	25,1 [18,1-26,7]	24,9 [19,2-26,2]	28,6 [19,4-32,3]	28,1 [18,8-33,4]	0,01
MCHC 320-360	315,7 [286,1-331,6]	315,4 [289,9-331,2]	316,8 [275,1-327,8]	324,5 [280-329,6]	324,9 [281,1-330,2]	0,01
RDW-SD (35-51)	59,4 [52,3-61,2]	56,8 [51,7-61,3]	52,3 [45,4-53,2]	50,1 [47,2-52,2]	49,8 [41,3-51,4]	0,01
ЭЧТ, мм/с	17,2 [4-18]	16,4 [3-18]	21,1 [8-24]	24,2 [7-26]	26,3 [11-28,3]	0,05
Лейкоцит $10 \times 9/л$	4,6 [4,2-5,6]	4,8 [4,3-5,5]	4,1 [3,7-4,8]	3,7 [3,3-5,0]	3,8 [3,5-4,7]	0,05

Изоҳ: MCV -эритроцитнинг ўртача ҳажми; MCH-эритроцитдаги гемоглобин миқдорининг ўртача кўрсаткичи; MCHC -эритроцитдаги гемоглобиннинг концентрацияси кўрсаткичи; RDW- эритроцитлар ҳажмий вариацияларининг учраш даражаси; ЭЧТ-эритроцитлар чўкиш тезлиги.

Қолган гуруҳларда эса нормоцитоз аниқланган бўлсада, ўртача кўрсаткичлар меъёрнинг пастки чегаралари атрофида бўлиб, бунда энг юқори кўрсаткич рух монотанқислигида аниқланган (89,6 fl)

Эритроцитларнинг гемоглобинга тўйиниш кўрсаткичлари (MCH ва MCHC) ўртача миқдорларининг гуруҳлар орасидаги солиштирма таҳлили ўрганилганда олинган натижалар шуни кўрсатдики, темир+рух+мис микроэлементлари танқислиги бўлган гуруҳларда гипохромия (мос ҳолда 22.4; 25.1 ва 24.9 fl), мис+ рух етишмовчилиги ҳамда рух монодефицитида нормохромия (мос ҳолда 28,1 ва 28,6 fl) мавжудлиги кузатилган. Анизоцитоз

даражаси таҳлилида эса деярли барча гуруҳларда кўрсаткичлар юқорилиги аниқланган.

Тадқиқот ишида гемоглобин миқдорининг ўзгариши ва ўрганилаётган микроэлементлар кўрсаткичлари орасида мусбат ўзаро боғлиқлар таҳлил қилинган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, гемоглобин миқдорининг пасайиши ҳамда мис ва рух микроэлементи кўрсаткичлари орасида мусбат ўзаро боғлиқлик мавжуд (3-жадвал)

3- жадвал


Микроэлементлар танқислиги ва гемоглобин орасидаги боғлиқлик таҳлили

Гуруҳлар	Статистик кўрсаткичлар	Нь г/л	Сu мкмоль/л	Zn мкмоль/л
Камқонлик мавжуд бўлган	Min	92	9,4	8,1
	Max	116	11.1	14,2
	M ± m	1105,6 ± 0.68	10.1 ± 0.32	11.3± 0.26
Камқонлик мавжуд бўлмаганлар	Min	125.0	12.4	16.1
	Max	146.0	20.1	23.1
	M ± m	135.5 ± 1.06	16.5 ± 0.47	20.3 ± 0.42
p ₁	Min	> 0.05	> 0.05	>0.05
p ₂	Max	>0.001	>0.01	>0.001
p ₃	M ± m	>0.01	>0.01	>0.01

ФЁА да ривожланаётган камқонликнинг микроэлементлар танқислиги билан боғлиқлик эҳтимоллигини ўрганиш мақсадида, уларни микроэлементлар етишмовчилиги турларига кўра гуруҳларга бўлинган. Темир, мис ва рух микроэлементларининг алоҳида танқислиги учраш даражасини аниқланганда фақатгина 4 нафар аёлда (3,4%) рухнинг монотанқислиги мавжудлиги кузатилган. Темир ва миснинг алоҳида ривожланган монодефицит ҳолати аниқланмаган. 44,8% ФЁА да темир+рух+ мис микроэлементлари танқислиги бирга келиши (полидефицитли), 19,8 % ида темир ва рух, 16,4% да темир ва мис, 15,5% да эса рух ва мис танқислигининг бирга келиш ҳолатлари аниқланган.

Диссертациянинг **“Фертил ёшдаги аёлларда рух, мис микроэлементлари танқислигини эрта аниқлаш ва башоратлаш тамойиллари, ҳамда уларнинг туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштиришдаги аҳамияти»** деб номланган 4 бобида тадқиқотга жалб қилинган фертил ёшдаги аёлларда рух, мис ва темир танқислиги мавжуд бўлган полидефицитли ҳолатларда кузатилиши мумкин бўлган ҳолатлар ва улар орасидаги корреляцион боғлиқликлар таҳлили ўтказилган. Шунингдек бу бобда полидефицитли ҳолатларни эрта аниқлаш ва олдини олиш чора тадбирларидан олдинги ва 6 ой кейинги клиник ва лаборатор кўрсаткичларнинг ўзаро солиштирма таҳлили ўтказилиб, чора тадбирларнинг самарадорлиги баҳоланган.


2-расмда ФЁА да кузатилган микроэлементлар яширин клиник белгиларининг темир, рух ва мис, ҳамда полидефицитли ҳолатда намоён бўлиш даражалари солиштирма таҳлили натижалари шуни кўрсатдики рух, темир ва мис танқислиги ҳолатларида хотира пасайиши (66,4%), теридаги ўзгаришлар (61,4%), тез-тез шамоллаш (52,2%) каби симптомлар темир танқислиги эмас, аксинча рух танқислиги устиворлик қилган аёлларда кўпроқ кузатилган. Бу ҳолат микроэлементларнинг яширин клиник белгилари ташҳисот учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади ($p < 0,05$).



2-расм Фертил ёшдаги аёлларда микроэлементлар танқислиги ҳолати клиник белгилари намоён бўлишининг солиштирма таҳлили (%).

Биз тадқиқотимизда ФЁА орасида ўтказилган анкета-сўровнома асосида ногематологик клиник белгиларнинг учраш даражаси ва уларнинг микроэлементлар танқислиги билан боғлиқлик ҳолатларини ҳам ўрганишга ҳаракат қилдик. Олиб борилган таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, юқорида келтирилган белгилар камқонлик ва камқонликсиз кечаётган микроэлементлар танқислиги ҳолатларининг барчасида намоён бўлди.

Шундан келиб чиқиб, биз бу клиник белгиларнинг ҳар бир микроэлемент танқислиги билан боғлиқлик даражасини ўрганиш зарурлигини мақсадга мувофиқ деб ўйладик (3 расм).



3-расм. Фертил ёшдаги аёллар кузатилган микроэлементоз турларининг клиник намоён бўлиш шакллари (%)

4-жадвалда темир, мис ва рух микроэлементлари танқислиги ривожланган организмда кузатиладиган бир қатор ногематологик клиник белгиларнинг тадқиқотга жалб этилган аёллар орасида учраш даражалари таҳлили келтирилган.

Клиник белгилар орасида энг кўп намоён бўлган симптомлар бу тирноқларнинг юпқа ва синувчанлиги (64,7%), хотиранинг пасайиши (61,9%), тери қуриши (61,9%), семизлик (53,8%), мушак ва бўғимларда оғриқ (50,4%), соч тўкилиши (n=50,1%), ҳид билишнинг бузилиши (34,1%), тез-тез шамоллаш (32,9%) ва анамнезида бепуштлик, хомила тушиши ҳолатлари мавжудлиги (30,4%) бўлиб, бундан ташқари таъм билишнинг бузилиши, ёғли гепатоз, хейлит каби белгилар ҳам мавжудлиги аниқланган.

Аниқланган клиник белгиларнинг учраш даражасини микроэлементлар танқислиги ҳолатлари билан солиштирма ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, темир+ рух+ мис танқислиги аниқланган аёлларда тирноқларнинг юпқа ва синувчанлиги $37,6 \pm 3,5\%$, таъм билишнинг айниши $47,6 \pm 4,0\%$, тери қуриши ва соч тўкилиши $31,0 \pm 3,4$ ҳамда $32,5 \pm 3,6\%$ ҳолларда аниқланган бўлса, ҳид билишнинг бузилиши, мушакларда оғриқ, семизлик ва хотиранинг пасайиши каби белгилар аксинча рух ва мис танқислиги бўлган аёлларда кўпроқ кузатилган, мос ҳолда $34,1 \pm 3,5\%$, $29,0 \pm 2,8$ ва $39,3 \pm 3,3\%$.

Айниқса семизлик ва анамнезида бепуштлик, ҳомила тушиши каби белгилар бўлган аёллар орасида мис ва рух танқислиги ҳолатлари кўпроқ мавжудлиги аниқланган.

4-жадвал

Темир, мис ва рух микроэлементлар танқислигида кузатилган ногематологик клиник белгиларнинг учраш даражаси (%) солиштирма таҳлил натижалари

Клиник белгилар	Fe+Cu+Zn		Fe+Cu		Fe+Zn		Cu+Zn		P<
Тирноқ юпқа синувчан (n=226)	85	37,6±3,5	26	11,5±2,9	58	25,7±3,3	81	30,8±3,2	0,05
Лабларда яра (n=97)	32	32,9±3,9	16	16,5±3,4	24	24,7±3,7	25	25,8±3,5	0,01
Там билиш бузилишнинг (n=82)	39	47,6±4,0	9	11±3,2	12	14,6±3,4	22	26,7±3,5	0,05
Хид билишнинг бузилиши (n=119)	26	21,8±3,5	23	19,3±3,4	31	24,3±3,6	39	34,1±3,5	0,05
Тери куриши (216)	67	31,0±3,4	22	10,1±2,8	80	37,1±3,5	47	21,7±2,5	0,05
Соч тўкилиши (n=175)	57	32,5,6	20	11,4±2,9	59	33,7±3,6	39	22,3±2,8	0,001
Мушак ва бўғимларда оғрик (n=176)	48	27,2±4,5	21	11,9±2,9	56	31,8±3,5	51	29,0±2,8	0,01
Тез-тез шамоллаш (n=115)	20	17,3±3,4	13	11,3±3,1	42	36,5±3,8	40	34,7±3,5	0,01
Семизлик (n=188)	49	26,0±3,4	7	3,7±2,2	58	30,8±3,5	74	39,3±3,3	0,01
Гепатоз (n=75)	20	21,3±3,3	16	21,3±3,7	7	9,3±3,1	32	42,6±4,0	0,01
Бепуштлик,хомила тушиши (n=106)	21	19,9±3,5	14	13,2±3,2	32	30,1±3,8	39	36,8±3,7	0,01
Хотира пасайиши (n=216)	58	26,9±3,4	23	10,6±2,8	66	30,5±3,4	69	41,9±3,0	0,01

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, мис ва рух танқислиги мавжуд бўлган ФЭА да кузатиладиган клиник белгиларнинг ушбу микроэлементлар танқислиги мавжудлигини кўрсатувчи, башоратловчи хавф омили сифатида аҳамиятли кўрсаткичлар бу семизлик ва ортикча тана вазни (RR=1,3), хотира пасайиши (RR=1,6), тез-тез шамоллаш (RR=1,08) ва хайз циклининг кечикишидир (RR=1,0).

Микроэлементлар танқислиги орасидаги корреляцион боғлиқликлар 5- жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўришиб турибтики, гемопозтик микроэлементлар кўрсаткичлари орасида сезиларли корреляцион боғлиқликлар мавжуд, бунда темир ва рух орасида $r=0,81$, мис ва рух орасида $r=0,8$, мис ва темир орасида $r=0,69$ кучли мусбат корреляцион боғлиқликлар аниқланган ($p< 0,01$).

**Микроэлементлар орасидаги корреляцион боғлиқлик
коэффициентлари**

	Fe	Cu	Zn
Fe	-	+ 0,695	+ 0,812
Cu	+ 0,695	-	+ 0,808
Zn	+ 0,812	+ 0,808	-
p<	0,01	0,01	0,01

ХУЛОСАЛАР

1. Олиб борилган тадқиқот натижалари таҳлилида фертил ёшдаги аёлларда учрайдиган рух, мис ва темир танқислигига олиб келувчи хавф омиллари орасида овқат рационалида эссенциал микроэлементлар сақловчи маҳсулотлар камлиги (кўкат ва сабзавотларни кам истеъмол қилиш-52,7%, рационда куруқ мевалар камлиги 49,3%), организмдаги сурункали яллиғланишлар (44,5%), оралиқ муддат сақланмаган, кетма кет ҳомиладорлик (42,1%) кўпроқ аҳамиятга эга эканлиги аниқланди.

2. Рух ва мис танқислиги яширин клиник белгиларини эрта аниқлашга мўлжалланган анкета сўровнома натижалари фертил ёшдаги аёлларда темир танқислиги белгиси деб баҳоланадиган тери куруқлиги (61,4%), хотира пасайиши (66,4%), соч тўкилиши (52,2%) айнан рух танқислигида, тирноқлар атрофидаги яралар (41,6%) ва тез-тез шамоллаш белгилари (31,4%) мис танқислиги ҳолатини башоратловчи клиник белгилар эканлигини кўрсатди.

3. Фертил ёшдаги аёлларда, монодефицитли ҳолат деярли кузатилмади, камқонлик + полидефицитли ҳолат кўшилиб келганда ва камқонликсиз кечувчи полидефицитли ҳолат орасида ишончли фарқлар мавжуд, яъни кўшилиб келган ҳолатда клиник белгилар намоён бўлиш даражаси ўртача кўрсаткичи 1,3 марта кўплиги аниқланди ($p < 0,01$).


4. Тадқиқотга жалб этилган ФЁА да рух, мис ва темир танқислиги ҳолати 55,8 % ҳолатда полидефицит (рух+мис+темир), 3,4 % да рух монодефицити, 40,8 % ҳолатларда темир+рух, темир + мис ва мис+рух аралаш турда кечиши кузатилди.

5. ФЁА да кузатиладиган рух ва мис микроэлементозлар танқислиги ташҳисотида микроэлементлар алмашинувида иштирок этувчи оксиллар церулоплазмин, ферритин, трансферрин ва гепсидин миқдорини аниқлаш камқонлик қиёсий ташҳисоти учун жуда муҳим биомаркерлар саналади.

6. Тадқиқот ишлари натижалари асосида фертил ёшдаги аёллар орасида рух ва мис полидефицитли ҳолатлар ривожланишини эрта аниқлаш,

башоратлашга мўлжалланган скрининг ва лаборатор таҳлиллар асосида алгоритми ишлаб чиқилган.

Фертил ёшдаги аёллар орасида полидефицитли микроэлементлар танқислиги ҳолатини эрта аниқлаш ва асоратларини башоратлаш алгоритми.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.04.30.04. 2022.Tib.93.02 ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

СОХИБОВА ЗИЁДА РАХМОНОВНА

**КЛИНИКО - ЛАБОРАТОРНЫЕ АСПЕКТЫ ДЕФИЦИТА ЦИНКА И
МЕДИ У ЖЕНЩИН ФЕРТИЛЬНОГО ВОЗРАСТА**

14.00.29 – Гематология и трансфузиология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.4.PhD/Tib.1582.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.bsmi.uz) и в информационно-образовательном портале "Ziyonet" (www.ziyonet.uz)

Научный руководитель: Болтаев Камол Жумаевич
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты: Жарилкасинова Гаухар Жанузаковна
доктор медицинских наук, профессор

Маматов Сагынали Мурзаевич
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: Андижанский государственный
медицинский институт

Защита диссертации состоится «14» *февраль* 2023 г. в *14³⁰* часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г.Бухара, ул. А.Навоий № 1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50) e-mail: buhme@mail.ru).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № *040*). Адрес: 200118, г.Бухара, ул. А.Навои, 1, Тел./факс: (+99865) 223-00-50).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2023 года.
(реестр протокола рассылки №__ «__» _____ 2023 года).




Ходжиева Д.Т.
председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
медицинских наук (DSc), профессор


Ахмедова Н.Ш.
ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
медицинских наук (DSc), доцент


Ихтиярова Г.А.
председатель Научного семинара при
Научном совете присуждению ученых
степеней, доктор медицинских наук,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Одним из доказанных случаев на этапах развития современной медицины является дефицит необходимых для организма макро- и микроэлементов вследствие различных патологических состояний, наблюдаемых в организме. Известно, что в организме человека содержатся макро- и микроэлементы 81 вида, которые имеют важное функциональное значение для организма человека. Среди них есть несколько жизненно важных микроэлементов, которые участвуют во всех процессах организма. Микроэлементы цинк и медь считаются эссенциальными микроэлементами, принадлежащими к данной группе. Но не учитывается дефицит этих микроэлементов, вызывающих патологические процессы в различных органах и тканях, они рассматриваются с односторонней, гемопозитической микроэлементной точки зрения. Изучение процесса обмена микроэлементов в организме человека направлен на решение важных вопросов, потому что недостаток жизненно важных элементов является причиной ограничения адаптационных и компенсаторных возможностей организма фертильного возраста, развития различных патологических состояний, заболеваний.

Проведенные научные исследования в мировом масштабе показывают, что в большинстве научных исследований, проводимых гематологами и другими специалистами учеными по изучению состояния дефицита железа, то есть при изучении проблем распространения дефицита железа, диагностики и лечения, дефицит железа изучен с точки зрения монодефицита, но в то же время научные взгляды показывают, что гемопоз, точнее образование гемоглобина представляет собой многоступенчатый полифакторный процесс, в котором участвует целый ряд микроэлементов¹. К таким гемопозитическим микроэлементам относятся медь и цинк, которые в свою очередь непосредственно участвуют в синтезе гемоглобина как синергист элемента железа, и при их недостатке нарушается синтез гемоглобина. Также цинк и медь участвуют во многих других жизненно важных процессах в организме, а при дефиците приводят к развитию патологических состояний и заболеваний, связанных с их нарушением.

На сегодняшний день, в нашей республике по коренному совершенствованию системы здравоохранения, по адаптации оказания медицинских услуг населению к требованиям мировых стандартов и снижению заболеваемости хроническими неинфекционными заболеваниями в различных ее регионах определены ряд задач таких как, «...повышение эффективности, качества и доступности медицинской помощи, оказываемой населению в нашей стране, поддержка здорового образа жизни и предупреждение заболеваний, также формирование системы медицинской

¹ Намазбаева З.И., Сабиров Ж.Б., Даркешева А.М., Бержанова Р.С., Почевалов А.М. Микроэлементный статус населения Приаралья//Медицина труда и экология человека, 2017, №3. Стр 37-42

стандартизации, создание эффективных моделей патронажа и клинических обследований, поддержка здорового образа жизни и профилактика болезней²...». Реализация этих задач, путем разработки профилактических мероприятий, направленных на снижение возникновения различных осложнений у женщин репродуктивного возраста, совершенствование использования современных технологий, повышение качества раннего выявления течения основного заболевания, выживаемости и выздоровления больных, позволяет снизить уровень инвалидности в результате определения перспектив возможных заболеваний, которые могут возникнуть при полидефицитных состояниях.

Особое значение при этом имеет гомеостаз важнейших кроветворных факторов, т. е. проблема депонирования железа, меди, цинка и др.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных Указом Президента Республики Узбекистан от 12 ноября 2020 года УП-6110 «О мерах по внедрению совершенно новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности реформ в системе здравоохранения», постановлениями от 18 декабря 2018 года ПП-4063 «О мерах по профилактике неинфекционных заболеваний, поддержке здорового образа жизни и повышению уровня физической активности населения», от 10 ноября 2020 года ПП-4887 «О дополнительных мерах по обеспечению здорового питания населения» и ПП-4891 от 12 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике», а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан: VI. «Медицина и фармакология».

